QMMB: 09/22/726/1132-son
29.12.2022-y.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI

20 22 yil « 28 » dekabr № 726 Toshkent sh.

# Таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотлари хавфсизлиги талабларини белгилашнинг умумий техник регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Бугунги кунда дарслик ва ўқув-методик мажмуалар сифатига қўйилаётган талабларнинг ортиши уларни яратиш жараёнига матбаа соҳасининг сўнгги ютуқларини қўллаш, ўқувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз, фойдаланиш учун қулай бўлган матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ушбу фаолиятни техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ–6108-сон Фармонига мувофиқ мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус ҳамда профессионал таълим соҳасида фойдаланиладиган матбаа маҳсулотларининг хавфсизлигига қўйиладиган талабларни белгилаш, фойдаланувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, нашр этилаётган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларнинг матбаа сифатини илғор хорижий тажриба асосида янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ–6108-сон Фармони 1-бандига мувофиқ **дунё миқёсидаги бугунги кескин рақобатга бардош бера оладиган миллий таълим тизимини йўлга қўйиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш, уларнинг янги авлодини яратиш, ўқув дастурлари ва стандартларини оптималлаштириш** Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотлари хавфсизлиги талабларини белгилашнинг умумий техник регламенти** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгандан сўнг амалга киритилсин:

мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус ҳамда профессионал таълим соҳасида фойдаланиладиган матбаа маҳсулотларининг хавфсизлигига қўйиладиган талаблар;

ёзув учун мўлжалланган матбаа маҳсулотларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари;

ўқув нашрлари ва қўшимча таълим учун нашрлар хавфсизлигига қўйиладиган талаблар;

ёзув учун матбаа маҳсулотлари, ўқув нашрлари ва қўшимча таълим нашрларини қадоқлашга доир талабларни белгилаш;

матбаа маҳсулотини идентификациялаш, намуналарни танлаш ва назорат қилиш услублари.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгандан сўнг ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ушбу қарорнинг мақсади, мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида аҳоли, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари кенг хабардор қилинишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – туризм ва маданий мерос вазири А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** — **А. Арипов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI * UMUMIY BO'LIM № 3

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 28 декабрдаги 726 -сон қарорига
1-илова

**Таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотлари хавфсизлиги талабларини белгилашнинг**
# УМУМИЙ ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТИ

## 1-боб. Умумий қоидалар

### 1-§. Умумий техник регламентнинг мақсади ва қўлланиш соҳаси

1. Мазкур Регламент мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус ҳамда профессионал таълим (кейинги ўринларда – ЎМПТ) соҳасида фойдаланиладиган матбаа маҳсулотларининг хавфсизлигига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Ушбу Регламент фойдаланувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, истеъмолчиларнинг чалғишига олиб келувчи ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган ва матбаа маҳсулотларининг қуйидаги турлари учун тааллуқли ҳисобланади:

а) **ёзув учун матбаа маҳсулотлари:**

мактаб дафтарлари;

умумий дафтарлар;

кундалик рейтинг дафтарлари;

расм чизиш учун дафтар ва альбомлар;

бўяш учун альбомлар;

б) **ўқув нашрлари:**

дарсликлар;

ўқув қўлланмалари;

ўқув-методик мажмуалар (ўқитувчи учун методик қўлланмалар, практикумлар);

амалий қўлланмалар (машқ дафтари, ҳуснихат дафтари, ўқувчилар учун иш дафтари, масалалар тўплами альбоми, ижодий вазифалар учун дафтарлар);

в) **қўшимча таълим учун нашрлар:**

бадиий-адабий;

илмий-оммабоп;

даврий (журналлар, газеталар);

маълумотнома (луғатлар, каталоглар ва бошқалар);

энциклопедик;

бўш вақт учун (комикслар, кроссвордлар ва бошқалар).

Хорижий нашриётларнинг матбаа маҳсулотлари, хусусан, дарслик, машқ дафтарлари ва методик қўлланмаларга ушбу Регламентда белгиланган параметрлар татбиқ этилмайди (бунда, маҳсулотнинг хавфсизлиги бўйича мувофиқлик сертификати расмийлаштирилади).

Нашр ҳуқуқи (лицензия, франшиза ва бошқа келишув) асосида Ўзбекистонда чоп этиладиган хорижий нашрнинг техник параметрлари ўзгаришсиз қолдирилиши мумкин.

## 2-§. Асосий тушунчалар

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**матннинг кўриниши** – қоғознинг сифати (оқлиги, ношаффофлиги, силлиқлиги, зичлиги, оғирлиги) ҳамда босма сифати (териш белгиси ва фоннинг контрастлиги, бўёқнинг тўйинганлиги ва мустаҳкамлиги);

**зарарли моддалар** – маҳсулотдан фойдаланиш вақтида, маҳсулот ишлаб чиқарилган материалда рухсат этилган концентрациялар миқдоридан (кейинги ўринларда – РЭКМ) юқори миқдорда мавжуд бўлганда фойдаланувчининг соғлиғи учун салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин бўлган кимёвий моддалар;

**маҳсулотни муомалага чиқариш** – ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки хорижий ишлаб чиқарувчи функциясини бажарувчи шахснинг омборхонасидан жўнатиладиган ёки омборхонага жойланмасдан юкланадиган ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш учун импорт қилинадиган маҳсулот;

**гигиеник хавфсизлик талаблари** – нашрнинг тури, бир вақтда ўқиладиган матннинг ҳажми ва маҳсулотдан фойдаланувчининг ёшига боғлиқ ҳолда матбаа маҳсулотлари, шрифтли безатиш параметрлари ва матнларни безатиш усулларига қўйиладиган талаблар;

**макулатура** – қоғоз ва картондан тайёрланган, маҳсулот сифатида хизмат муддатини ўтаган қоғоз саноати чиқиндилари;

**ёт моддалар** – ўқувчи соғлиғи ва матбаа маҳсулотининг сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ифлосланишлар, турли қолдиқлар, доғлар ва шу каби матбаа маҳсулоти таркиби учун бегона қўшилмалар;

**шрифтнинг меъёрий ёзилиш шакли** – бу гарнитурага боғлиқ ҳолда тегишлича 66,5% дан 78% гача бўлган шрифт (очко) энининг унинг баландлигига нисбати;

**оптик зичлик** – шаффоф объектлар томонидан ёруғликнинг сусайтирилиши ёки ношаффоф объектлар томонидан қайтарилиши ўлчови. Бу ўтказиш (қайтариш) коэффициентига тескари бўлган катталикнинг ўнли логарифми;

**асл нусха – макет** – ҳар бир саҳифаси чоп этиладиган нашрнинг тегишли саҳифасига тўла мос келадиган нашр (китоб) асл нусхаси;

**матбаа материаллари** – қоғоз, картон, елимловчи материаллар, матбаа бўёғи, ламинация учун плёнка ва б.;

**маҳсулотдан фойдаланувчилар** – мазкур Регламентнинг объекти бўлган маҳсулотлардан фойдаланувчи таълим муассасалари ўқувчилари;

**маҳсулотни сотиб олувчи** – маҳсулотни сотиб олмоқчи бўлган ёки сотиб олган жисмоний ёки юридик шахс;

**ўқишга қулайлик** – босма белгилар (шрифт ўлчами), гарнитура (шрифт расми) ва босма бўёқлар ранги, териш саҳифаси формати ва саҳифада жойлашув тавсифи (қатор узунлиги, қаторлараро масофа – интерлиньяж, ҳошия ўлчами), шрифт сиғими (териш зичлиги)нинг ўқиш вақтида кўришга таъсири;

**кимёвий хавфсизлик** – маҳсулотнинг ҳолати бўлиб, бунда фойдаланувчининг соғлиғига зарар етказилиши ёки кимёвий моддалар концентрациясининг ошиши туфайли унинг соғлиғига хавф солиниши билан боғлиқ хавф-хатар мавжуд бўлмаслиги;

**бирлашган ўқув нашрлари** – иккита синф учун мўлжалланган нашрлар;

**CMYK** – (Cyan – кўк, Magenta – қирмизи, Yellow – сариқ, Key ёки Black – қора ранглар комбинацияси). Матбаа соҳасида кўп рангли тасвирлар учун ушбу тўрт хил бўёқдан фойдаланилади. Уларнинг аралашувидан табиатда бор барча ранглар ҳосил қилинади. CMYKдан фойдаланган ҳолда коллаж ёки композицион тасвирлар, иллюстрация ва турли дизайн элементлари акс эттирилади;

**бл/кв** – белги квадрат. Бу матн саҳифасида 18,048 mm узунликда нечта териш белгиси мавжудлигини билдиради.

## 2-боб. Ёзув учун мўлжалланган матбаа маҳсулотларига қўйиладиган хавфсизлик талаблари

### 1-§. Санитария-кимёвий кўрсаткичларга қўйиладиган талаблар

3. Ёзув учун мўлжалланган матбаа маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган матбаа материаллари уларнинг соғлиқ учун хавфсизлигини тасдиқловчи санитария-эпидемиологик хулосаларга эга бўлиши керак.

4. Ёзув учун мўлжалланган матбаа маҳсулотлари кимёвий хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб бериши ва ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган кўрсаткичлардан ошадиган миқдорда модель (ҳаволи ва сувли) муҳитга зарарли моддалар чиқармаслиги керак.

### 2-§. Асосий кўрсаткичлар

5. Ёзув учун мўлжалланган матбаа маҳсулотларининг кўрсаткичлари ушбу Регламентга 2-иловадаги Ёзув учун матбаа маҳсулотларининг параметрларида келтирилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

QMMB: 09/22/726/1132-son
29.12.2022-y.



Газета қоғози ва ялтироқ (бўрланган) қоғозлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қайта фойдаланиш учун мўлжалланмаган босма маҳсулотлар (имтиҳон билетлари, топшириқли карточкалар, тест саволлари, кроссвордлар ва шу турдагилар) бундан мустасно.

Ёзув учун мўлжалланган матбаа маҳсулотларининг муқовасида рангли расм, коллаж ёки композицион тасвир, иллюстрация ва дизайн элементларини ҳосил қилишда тўрт хилгача рангли бўёқ (CMYK)дан фойдаланишга йўл қўйилади.

6. Муқова учун – дафтар муқова қоғози, шунингдек, силлиқлиги, механик зичлиги ва елимланиш даражалари бўйича мос келадиган бошқа турдаги муқова қоғозларидан фойдаланилади. Ҳажми 24 варақ ва ундан юқори бўлган мактаб дафтарларининг муқовалари учун боғловчи (переплёт) ва бошқа материаллардан фойдаланишга рухсат берилади.

7. Ёзув дафтарларидаги чизиқларнинг жойлашишига қараб уларнинг қуйидаги турлари белгиланади:

1, 2 – битта горизонтал чизиқ;

3 – турли интенсивликдаги иккита горизонтал чизиқ;

4 – сийрак учрайдиган қия чизиқли турли интенсивликдаги иккита горизонтал чизиқ.

Катакли дафтарлар учун қуйидаги чизиқ параметрлари белгиланади:

5 – 5x5 mm ±0,05 ўлчамли катак;

6 – 7x7 mm ±0,05 ўлчамли катак.

Ушбу Регламентнинг олтинчи ва еттинчи бандларида белгиланган кўрсаткичлардан фарқланиш даражаси бир саҳифада 1,5 mm дан ошмаслиги керак.

8. Мактаб дафтарларининг чизиқлари ва ҳошиялар ўлчамлари ушбу Регламентга 3-иловада кўрсатилган талабларга тўлиқ жавоб бериши керак.

9. 12 варақли мактаб дафтарлари ушбу Регламентнинг еттинчи бандида кўрсатилган 1, 2, 3, 4, 5, 6-турдаги чизиқлардан фойдаланган ҳолда, 18 ва 24 варақли ҳамда ундан юқори бўлган дафтарлар – 2 ва 5 турдаги чизиқлар билан тайёрланиши керак.

Асосий чизиқлар ранги – бинафшаранг, яшил, ҳаворанг, кулранг ҳамда ён ҳошия чизиқлари – қизил рангда бўлиши керак.

Қаторларда чизиқларнинг узилиши, бўёқларнинг турлича тўйинганликда бўлиши ва чапланиши, босилувчи элементларнинг юзада акс этмаслиги, ён ҳошияларсиз чоп этилишига йўл қўйилмайди.

Туташ ички ва кейинги бетларнинг горизонтал чизиқлари бир-бирига мос тушиши керак. Чизиқлар орасидаги чегаравий фарқланиш 2,0 mm дан ошмаслиги керак.

QMMB: 09/22/726/1132-son
29.12.2022-y.



10. Кундалик рейтинг дафтарлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишилган намуна – эталонга мувофиқ чоп этилиши керак.

11. Расм чизиш дафтари ва альбомлар тайёрланадиган қоғозда белгиланган меъёрлардан ортиқ ёт моддалар бўлишига йўл қўйилмайди.

Расм чизиш дафтари ва альбомлар тайёрланадиган қоғозда 1 $m^2$ да майдони 0,5 $mm^2$ гача бўлган ёт моддалар сони 100 тагача бўлиши мумкин, майдони 0,5 $mm^2$ дан юқори бўлган ёт моддалар бўлишига рухсат этилмайди.

12. Бўяш учун альбомларда расм элементларининг минимал чизиқли ўлчамлари 0,5 mm дан кам бўлмаслиги керак.

13. Ёзув учун мўлжалланган матбаа маҳсулотларининг четлари текис кесилган бўлиши, қирраларида ёрилиш, доғлар, йиртилган ва букилган жойлар, ғижимлар, хира чизиқлар, ҳалқаларнинг кўтарилиб ёки тушиб қолиши, маҳсулот кўринишини ёмонлаштирадиган бошқа камчиликлар бўлмаслиги керак.

14. Ёзув учун мўлжалланган матбаа маҳсулотларига қуйидагиларни жойлаштиришга рухсат этилади:

биринчи синф ўқувчилари дафтари муқовасининг биринчи ва тўртинчи бетларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишилган ҳолда маълумотнома материаллар берилади.

Бунда муқованинг биринчи бетида ижтимоий-гуманитар фанлар, математика, табиий ва техник фанлар ривожига ҳисса қўшган олимлар, буюк мутафаккирлар, давлат арboблари, ёзувчи ва шоирларнинг портретлари, улар тўғрисида тасдиқланган қисқача маълумот, алломаларнинг ижоди ва кашфиётлари, ҳикматли сўзлари, мамлакатимизнинг қадимий ва замонавий шаҳарлари, тарихий обидалар ва замонавий иншоотлар тасвирларидан;

муқованинг тўртинчи саҳифасида маълумотнома материаллар, алифбо, Давлат мадҳияси, тарихий саналар ва имло қоидалари, Пифагор жадвали, муаммоли топшириқлар, турли ўлчов бирликлари, мисол ва вазифаларни ечиш учун намуналар, шунингдек, махсус QR ёки штрих кодлардан фойдаланиш тавсия этилади.

15. Ёзув учун мўлжалланган матбаа маҳсулотларининг муқоваларида миллий маънавиятимиз, қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизга зид ҳамда ёш авлод онги, билим доираси ва дунёқарашига салбий таъсир кўрсатувчи, шунингдек, реклама тавсифидаги маълумот (тасвир)ларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

## 3-боб. Ўқув нашрлари ва қўшимча таълим учун нашрлар хавфсизлигига қўйиладиган талаблар

### 1-§. Санитария-кимёвий кўрсаткичларга қўйиладиган талаблар

16. Ўқув нашрлари кимёвий хавфсизлик талабларига жавоб бериши ва модель (ҳаволи ва сувли) муҳитга ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган кўрсаткичлардан ошадиган миқдорда зарарли моддалар чиқармаслиги керак.

## 2-§. Асосий кўрсаткичлар

17. Ўқув нашрлар ҳамда ўқитувчилар учун методик қўлланмалар параметрлари ушбу Регламентга 4-иловада келтирилган талабларга жавоб бериши керак.

Газета қоғози ва ялтироқ (бўрланган) қоғозлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Қайта фойдаланиш учун мўлжалланмаган босма маҳсулотлар (имтиҳон билетлари, топшириқли карточкалар, тест саволлари, кроссвордлар ва шу турдагилар) бундан мустасно.

Ўқув нашрлари ҳамда қўшимча таълим учун нашрларнинг муқовалари ва матнида рангли расм, коллаж ёки композицион тасвир, иллюстрация ва дизайн элементларини ҳосил қилишда тўрт хилгача рангли бўёқлар (CMYK)дан фойдаланишга йўл қўйилади.

18. Ёш тоифасига қараб нашрлар:

1 – 4-синфлар;

5 – 9-синфлар;

10 – 11-синфлар ҳамда ЎМПТга мўлжалланади.

19. Нашр вазни (дарсликлар учун):

1 – 4-синфлар учун 300 (± 10 фоиз) g дан;

5 – 6-синфлар учун 400 (± 10 фоиз) g дан;

7 – 9-синфлар учун 500 (± 10 фоиз) g дан;

10 – 11-синфлар ҳамда ЎМПТ учун 600 (± 10 фоиз) g дан ошмаслиги керак.

Нашрнинг оғирлигини 10 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда оширишга рухсат берилади. Оғирлиги 600 g дан юқори нашрлар фақат кутубхонада фойдаланишга мўлжалланади.

20. Тақдим қилиш тавсифи ва бир вақтда ўқиш учун мўлжалланган ахборот материалининг ҳажмига ҳамда ўзлаштирилишга қараб ўқув фанлари бўйича нашрлар қуйидагиларга ажратилади:

гуманитар: алифбо, она тили, жамиятшунослик, атрофимиздаги олам, адабиёт, лингвистика (тилшунослик: ўзбек ва хорижий тиллар), ҳаётий фаолият хавфсизлиги асослари, эстетик цикл фанлари, жисмоний тарбия, меҳнат таълими, чақириққача тайёрлаш ва ҳ.к., ижтимоий (жамият) фанлар: тарих, давлат ҳуқуқи, мантиқ, психология ва ҳ.к.;

табиий: физика, кимё, география, биология, астрономия ва ҳ.к.;

формал: математика, алгебра, информатика ва ҳ.к.;

ўрта махсус ва профессионал таълим учун махсус фанлар.

21. Қўшимча таълимга оид нашрлар ўқиш пайтида реал кўриш юкламасига қараб икки тоифага бўлинади:

а) биринчиси:

адабий-бадиий;

илмий-оммабоп;

даврий (журналлар, газеталар);

б) иккинчиси:

маълумотномалар (луғатлар, каталоглар ва ҳ.к.);

энциклопедиялар;

бўш вақт учун (комикслар, кроссвордлар ва ҳ.к.).

22. Қўшимча таълимга оид нашрлар ўқувчининг кўриш органларининг ёшга боғлиқ физиологик хусусиятларига мувофиқ қуйидаги тўрт гуруҳга бўлинади:

биринчи ёш гуруҳи – 4 ёшдан 7 ёшгача бўлган мактабгача таълим ёшидаги болалар учун нашрлар;

иккинчи ёш гуруҳи – 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган кичик мактаб ёшидаги болалар учун нашрлар;

учинчи ёш гуруҳи – 11 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўрта мактаб ёшидаги болалар учун нашрлар;

тўртинчи ёш гуруҳи – 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган катта мактаб ёшидаги болалар учун нашрлар.

## 3-§. Шрифтли безатишга қўйиладиган талаблар

23. Ўқув нашрларининг асосий дизайн элементларига (гарнитура, шрифт ўлчами, қаторнинг узунлиги ва бошқа кўрсаткичлар) қўйиладиган гигиеник талаблар болаларнинг ёш тоифалари, хусусан, кўриш анализаторнинг ривожланиш хусусиятлари билан белгиланади. Ўқиш пайтида кўриш юкламасининг катталиги кўриш ва қулай ўқилувчанлик шароитларига боғлиқ.

24. Нашр асл нусха – макетини яратишда турли хил компьютер ва дастурий таъминотлардан фойдаланилиши туфайли матбаа маҳсулотларидаги матн шрифти ўлчамлари мутлақ ўлчамда – mm ва Регламентга 5-иловага мувофиқ нисбий ўлчамларда – кеглларда берилади.

25. Машқ ва иш дафтарларида ўқувчи томонидан вазифаларнинг бажарилиши учун ҳар бир саҳифада камида 30 фоиз бўш жой ажратилади.

26. Умумий ўрта таълим ва ЎМПТ учун ўқув нашрларида:

а) меъёрий ёки кенг, ёрқин ёки нимқора ёзиладиган шрифтлар қўлланилади;

б) фақат шеърлар ва сўз рўйхатлари учун матнни икки устунда теришга рухсат этилади, устунлар орасидаги масофа эса 12 mm (1 – 4-синфлар), алифбода – 18 mm, ихтисослаштирилган мактаблар учун – 16 mm, ўрта ва юқори синфлар (5 – 11-синфлар) ва ЎМПТ учун – 9 mm;

в) ихтисослаштирилган мактаблар учун фақат кесма ёки янги кам контрастли шрифтлар гуруҳи қўлланилади;

г) ҳарфлар, рақам ва кимёвий формулаларни безашда формулаларнинг асосий элементлари шрифтининг кегли асосий матннинг шрифт ўлчамидан 2 пункт (Дидо тизими бўйича 1 пункт 0,376 mm) кичик бўлиши мумкин, формулаларнинг ёрдамчи элементлари учун 6 кеглдан кам бўлмаган шрифт ишлатилади;

д) қўллаш мумкин эмас:

тор ёзиладиган шрифтлар;

матннинг асосий ва қўшимча шрифтларини қоғознинг асл тусида қолдириш, бўёқ фонида чоп этиш (выворотка) ва рангли бўёқлар;

матнни ажратиш учун шрифтларни белгилаш ва рангли фонда рангли бўёқлар;

ёзув, машқ ва иш дафтарларида ёзиш учун мўлжалланган майдонларда рангли ва кулранг фон;

кўргазмали тасвирлар (графика, чизма, жадвал, диаграмма ва бошқалар) учун рангли фонда рангли бўёқлар;

асосий ва қўшимча матн учун учта ёки ундан ортиқ устунли териш.

Матнни рангли ва кулранг фонда чоп этишда ва (ёки) кўп рангли расмларда фоннинг оптик зичлиги 0,3 дан ошмаслиги керак, шрифтни белгилаш (выворотка) билан чоп этишда – 0,4 дан кам бўлмаслиги керак.

27. Алифбони безашда:

а) баландлиги 18 – 36 кеглли шрифт, кесма гарнитура ишлатилади;

б) устунлардаги сўзлар рўйхати устунлардаги сўзлар сони тўртдан ошмайдиган ва устунлар орасидаги масофа 3/4 квадратдан кам бўлмаган ҳолатда йўл қўйилади;

в) саҳифадаги бўғин кўчиришлар сони 4 тадан ошмаслиги керак;

г) қатор узунлиги энг камида 6 ½ (117 mm), энг кўпи 7 ¾ квадрат бўлиши мумкин;

д) шрифт ўлчами 18 кегль бўлганда қаторнинг сиғими кирилл графикаси учун 5,4 дан ва лотин графикасидан фойдаланиш учун 6,0 бл/кв дан ошмаслиги керак;

е) алифбонинг ҳарфга доир саҳифасида расмларга ажратилган умумий майдон камида 50 фоизни, ҳарфдан ташқари қисмида камида 30 фоизни ташкил этиши тавсия этилади.

28. 1 – 4-синфлар учун ўқув адабиётларида:

а) кесма ёки янги кам контрастли шрифтлар гуруҳлари қўлланилади;

б) рангли (кулранг) фонда 200 белгидан кўпроқ ҳажмдаги матнни чоп этишда шрифт кегли асосий матн шрифти баландлигидан 2 пункт юқори бўлиши керак, интерлиньяжнинг оширилиши 2 пунктдан кам бўлмаслиги керак;

в) сўзлараро оралиқ асосий матннинг шрифти баландлигидан кам бўлмаслиги керак;

г) матнни ажратиб кўрсатиш учун уч хилгача рангли бўёқлардан фойдаланишга йўл қўйилади;

д) расм остига ёзув қўйиш учун баландлиги 12 кеглдан кам бўлмаган шрифтдан фойдаланиш тавсия этилади;

е) ўқлари қия бўлган юмалоқ ҳарфлардан иборат шрифтлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди (медиевал гуруҳи шрифтлари).

1 – 4-синфлар учун чоп этилувчи математикага доир нашрлар учун қаторнинг узунлиги минимал 90 mm бўлганда 14 кеглга рухсат этилади.

2 – 4-синфлар учун табиатшунослик бўйича ўтказилувчи практикумларда сиғими 7,7 бл/кв дан кам бўлмаган 12 кегль баландликдаги шрифтдан, матн ҳажми 200 белгидан ошмайдиган қўшимча матн учун 11 кеглдан фойдаланишга йўл қўйилади.

1 – 4-синфлар учун ўқув нашрларининг матнли безатилиши мазкур Регламентга 6-иловада келтирилган талабларга жавоб бериши керак.

29. 5 – 9-синфлар, 10-11-синфлар ва ЎМПТ учун ўқув нашрларида:

а) сўзлараро оралиқ асосий матн шрифти баландлигининг ярмидан кам бўлмаслиги керак;

б) матнни ажратиб кўрсатиш учун учтадан ортиқ рангли бўёқдан фойдаланиш мумкин эмас;

в) уч ёки ундан ортиқ устунларга сўз ва сўз бирикмалари рўйхатини жойлаштиришга рухсат берилади (гуманитар фанлар бўйича нашрларда), хронологик материаллар фақат устунлар орасидаги масофа 9 mm дан кам бўлмаган ҳолатда, 6 mm дан кам бўлмаган ажратувчи чизиқ бўлганда рухсат этилади;

г) кўргазмали тасвирлар (графика, чизма, жадвал, диаграмма ва бошқалар) учун учтадан ортиқ рангдан, шу жумладан, қора бўёқдан фойдаланилмайди. Кўргазмали расмлардаги ёзувлар шрифти 8 кеглдан кам бўлмаслиги керак.

5 – 9-синфлар, 10 – 11-синфлар ва ЎМПТ учун ўқув нашрларининг матнли безатилишига қўйиладиган талаблар мазкур Регламентга 7 – 11-иловаларда келтирилган.

30. 1 – 4-синфлар учун ўқув нашрларида картографик ёзувлар учун шрифт кегли 10 дан кам бўлмаслиги, 5 – 9-синфлар учун – 9 дан кам бўлмаслиги, 10 – 11-синфлар ва ЎМПТ учун – 8 дан кам бўлмаслиги керак.

31. Бирлашган ўқув нашрларининг матнли қисмида 1 – 2-синфлар учун кегли 16 бўлган шрифтдан, 2 – 3 ва 3 – 4-синфлар учун 14 дан кам бўлмаган, 4 – 5-синфлар учун 12 дан кам бўлмаган, 5-синф ва ундан юқори синфлар учун эса 11 кеглдан фойдаланишга рухсат этилади.

32. Қўшимча таълим нашрларида:

сарлавҳаларнинг шрифтли безатилиши қатъий тартибга солинмайди;

меъёрий ёки кенг, ингичка чизиқли ёки нимқора ёзилишга эга шрифтлар ишлатилади;

қора бўёқ ёрдамида чоп этишда нашрдаги матн тасвири элементлари ва қоғознинг оптик зичлиги интервали камида 0,7 бўлиши керак. Белгиларининг штрихлари ноаниқ (узилган) ҳолда бўлган матнни чоп этишга йўл қўйилмайди.

Қуйидаги шрифтлардан фойдаланишга рухсат этилади:

нимқора – асосий матн шрифти кеглидан кам бўлмаган шрифт кеглидан фойдаланилганда;

курсив – асосий матн шрифти кеглидан 2 пункт каттароқ шрифт кеглидан фойдаланилганда;

интерлиньяжни (қаторлар орасидаги масофа) ошириш камида 2 пункт.

4 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган нашрларнинг ўқувчилари ҳақидаги маълумотлар учун ажратилган жойда “Катталарнинг болаларга ўқиб бериши учун” деган маълумот қўшилиши керак.

33. Биринчи ёш гуруҳига доир болалар учун нашрлар матнида қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

рангли бўёқлар (ажратишлардан ташқари);

шрифтни белгилаш (выворотка);

кўп устунли териш (шеърлардан ташқари);

чизилган шрифтлар (ажратишлардан ташқари).

Иккинчи тоифага доир нашрларда рангли фонда рангли бўёқ билан босиб чиқаришда матн ҳажми 200 белгигача бўлганда шрифтнинг кегли камида 20 бўлиши керак.

Шеърлар учун устунлар орасидаги масофа 12 mm дан кам бўлмаган иккита устунли теришга рухсат берилади.

Чизилган шрифтлардан фойдаланганда уларнинг ўлчамлари – кегли 20 дан кам бўлмаслиги керак.

Агар асосий матн шрифтининг кегли 16 дан кичик бўлса, матнни рангли бўёқлар билан ажратишда шрифтининг кегли 18 дан кам бўлмаслиги керак.

Нашр саҳифасида расмларнинг майдони 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Кўп бўёқли расмларда (рангли, кулранг фонда) кесма шрифтлардан фойдаланиш керак, шрифт кегли 18 дан кам бўлмаслиги, саҳифадаги матн ҳажми 200 белги ёки ундан камроқ бўлганда 16 кегль ишлатилиши, интерлиньяж (қаторлар ораси) 4 пунктдан кам бўлмаслиги керак.

Биринчи ёш гуруҳи учун нашрларнинг матнли безатилишига қўйиладиган талаблар ушбу Регламентга 12-иловада келтирилган.

34. Иккинчи ёш гуруҳидаги болалар учун нашрлар матнида қуйидагилар қўлланилмаслиги керак:

рангли бўёқлар;

шрифтни белгилаш (выворотка);

кўп устунли териш;

чизилган шрифтлар.

Асосий ва қўшимча матнни рангли, кулранг фонда ҳамда кўп бўёқли тасвирларни чоп этиш учун қуйидаги шрифтли безатилишдан фойдаланиш керак:

нимқора, меъёрий ёки кенг тўғри ёзиладиган кесма шрифтлар;

асосий матн шрифтининг кегли 14 пунктдан кам бўлмаслиги керак;

ҳажми ҳар бир саҳифада 200 белгидан кўп бўлмаган қўшимча матн шрифтининг кегли 12 пунктдан кам бўлмаслиги керак;

шрифтни белгилаб босиш учун фоннинг оптик зичлиги 0,5 дан кам бўлмаслиги керак.

Ҳажми ҳар бир саҳифада 600 белгидан кўп бўлган қўшимча матн учун асосий матн учун белгиланган шрифт безатилиши қўлланилиши керак.

Расмлар остидаги ёзувлар учун 12 пунктдан кам бўлмаган шрифтдан фойдаланиш ва уларни расмнинг четидан 4 mm дан кам бўлмаган масофада жойлаштириш тавсия этилади.

Нашрда расмларининг умумий майдони 30 фоиздан кам бўлмаслиги тавсия этилади.

Иккинчи ёш гуруҳи учун нашрларнинг матнли безатилишига талаблар ушбу Регламентга 13-иловада келтирилган.

QMMB: 09/22/726/1132-son
29.12.2022-y.



35. Учинчи ёшга гуруҳига доир болалар нашрлари матнида қуйидагилар қўлланилмайди:

шрифтни белгилаш (выворотка);

рангли бўёқлар;

кўп устунли териш.

Биринчи устуннинг энг узун сатрининг чеккасидан ҳисоблanганда устунлар орасидаги масофа камида 9 mm ни ташкил қилса, шеърлар учун икки устунли матнга рухсат берилади.

Расмларининг умумий майдони 30 фоиздан кам бўлмаган биринчи тоифа нашрларида икки устунли теришга рухсат берилади, бунда сиғими квадрат учун 9,5 белгидан кўп бўлмаган меъёрий нимқора тўғри ёзиладиган кам контрастли шрифтлардан фойдаланилиши керак.

Ҳажми ҳар бир саҳифада 1500 белгидан ошмайдиган қўшимча матн ва ажратишлар учун рангли бўёқлар ва шрифтларни белгилаш фақат қуйидагича шрифтли безатишда қўлланилади:

шрифт кегли 12 пунктдан кам бўлмаганда;

қатор узунлиги 2 ¼ квадратдан кам бўлмаганда (ажратишлардан ташқари);

шрифтни белгилаш учун фоннинг оптик зичлиги 0,5 дан кам бўлмаганда.

Учинчи ёш гуруҳи учун нашрларнинг матнли безатилишига қўйиладиган талаблар ушбу Регламентга 14-иловада келтирилган.

36. Тўртинчи ёш гуруҳидаги болалар учун нашрларнинг матнли қисмида қуйидагиларга йўл қўйилади:

матнни ажратиб кўрсатишда учтадан кўп бўлмаган рангли бўёқларни қўллаш;

рангли, кулранг фонда, кўп бўёқли расмларда матнни қўллашда шрифтли безатилиш нимқора ёзиладиган 9 кеглдан кам бўлмаган шрифт билан.

Тўртинчи ёш гуруҳи учун нашрларнинг матнли безаклашга талаблар ушбу Регламентга 15-иловада келтирилган.

37. Ўқув нашрлари ва қўшимча таълим учун нашрлар (даврий ва бўш вақт учун мўлжалланган нашрдан ташқари), туридан қатъи назар, қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

нашрда матнли саҳифаларнинг туташ икки ички бетидаги корешок ҳошияси 26 mm дан, саҳифада эса 10 mm дан кам бўлмаслиги керак;

саҳифанинг ҳошияларида, корешоклидан ташқари, саҳифадан камида 5 mm масофада керакли белгилар, кўргазмали расмлар ва ҳажми 50 белгидан ошмайдиган матнни жойлаштиришга рухсат берилади.

Қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

маълумотларнинг бузилиши ёки йўқолишига олиб келадиган, қулай ўқилувчанликни, ўқиш шароитларини ёмонлаштирадиган нуқсонлар;

тўлиқ чоп этмаслик (расм элементларининг йўқолиши), мойланиш, чапланиб кетиш, бўёқ билан тўлган майдонлар, доғлар, тирналишлар, иккиланган босма;

блоклар четига ёки ичига елимнинг тегиши орқали саҳифаларнинг бир-бирига ёпишиб қолиши ва очилиш вақтида матн ёки расмларга зарар етиши;

блок ёки муқованинг деформацияси;

белгиларнинг штрихлари ноаниқ бўлган ҳолда матнни босиб чиқариш.

## 4-боб. Ёзув учун матбаа маҳсулотлари, ўқув нашрлари ва қўшимча таълим нашрларини қадоқлаш

### 1-§. Қадоқлашга доир талаблар

38. Ёзув учун матбаа маҳсулотлари ва ўқув нашрлари ўрам қоғозига, боғламларга, қутиларга, гофроқутиларга ёки матбаа маҳсулотларининг сақланишини таъминлайдиган термокиришувчан полиэтилен плёнкаларга ўралган бўлиши керак.

39. Қадоқдаги босма маҳсулотларнинг брутто массаси 30 kg дан ошмаслиги керак.

### 2-§. Тамғалашга доир талаблар

40. Матбаа маҳсулотлари қадоқларининг тамғаланиши маҳсулот ёки маҳсулотлар гуруҳи қадоғига бириктириладиган ёрлиққа туширилади.

Қадоқларнинг тамғаланиши қуйидаги ахборотга эга бўлиши керак.

маҳсулот ишлаб чиқарилган мамлакат;

ишлаб чиқарувчи (сотувчи ёки хорижий ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили) фирма номи;

ишлаб чиқарувчи (сотувчи ёки хорижий ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили)нинг манзили;

маҳсулотнинг номи ва (ёки) тури (вазифаси);

қадоқдаги маҳсулотлар сони (дона);

сақлаш шароитлари;

манипуляцион белгилар (“Намликдан асранг”, “Иссиқдан ҳимоя қилинг”).

41. Маҳсулотнинг тамғаланиши ишончли, текширилувчан ва ўқилиши осон бўлиши ҳамда давлат тилида тақдим этилиши керак.

42. Мажбурий сертификатланиши керак бўлган товарларга нисбатан истеъмолчига унинг сертификати тўғрисида маълумот тақдим этилиши керак.

43. Ёзиш учун матбаа маҳсулотлари қуйидаги ахборотга эга бўлиши керак:

босмахона номи ва манзили;

ишлаб чиқарилган сана;

сертификатлаш тўғрисида маълумотлар;

асосий ўлчамлар;

буюртма рақами;

варақлар ҳажми;

“Таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотлари хавфсизлиги талабларини белгилашнинг умумий техник регламентига мувофиқ ишлаб чиқарилган” ёзуви.

44. Ўқув нашрлари ва қўшимча таълим учун нашрлар (даврий нашрлардан ташқари) қуйидаги ахборотга эга бўлиши керак:

муаллиф (ҳаммуаллифлар)нинг Ф.И.О;

классификацион индекслар (УЎК ва ББК);

китобнинг ҳалқаро стандарт рақами (ISBN);

муаллифлик ҳуқуқи ҳимоялангани (с) белгиси;

нашрнинг дарслик ёки ўқув қўлланмаси сифатида тасдиқланиши ҳақидаги маълумотлар;

нашрни яратишда иштирок этган шахсларнинг исм-фамилияси;

нашрнинг чиққан йили араб рақамларида “йил” ёки “й.” қисқартмасисиз келтирилади;

чоп этиш учун имзоланган сана;

қоғоз бичими ва варақ улуши;

шартли босма табоқлардаги нашр ҳажми;

адади;

матбаа ташкилотининг буюртма рақами;

ноширнинг юридик номи ва унинг манзили;

матбаа ташкилотининг номи ва унинг манзили.

45. Қўшимча таълим учун даврий нашрлар қуйидаги ахборотга эга бўлиши керак:

муҳаррирлар, таҳрир ҳайъати ҳақида маълумотлар;

муаллифлик ҳуқуқи ҳимоялангани (с) белгиси;

серияли нашрнинг халқаро стандарт рақами (ISSN);

нашр учун масъул бўлган муассислар ёки ташкилотлар;

нашр даврийлиги;

даврий нашрнинг ташкил этилган санаси;

чоп этилган санаси;

нашр тартиб рақами;

бошқа тиллардаги параллел нашрлар ва иловалар ҳақида маълумот;

оммавий ахборот воситасини рўйхатга олиш гувоҳномаси рақами;

нашрни чиқарувчи муассис, ташкилотнинг номи ёки нашр таҳририятининг манзили;

адади;

А2 бичимига (420×595 mm) келтирилган нашрнинг босма табоқдаги ҳажми ҳақида маълумот;

матбаа ташкилотининг буюртма рақами;

матбаа ташкилотининг юридик номи ва унинг манзили.

## 5-боб. Матбаа маҳсулотини идентификациялаш, намуналарни танлаш ва назорат қилиш усуллари

46. Идентификация дейилганда муайян маҳсулот (ёзув учун матбаа маҳсулотлари, таълим муассасалари учун ўқув нашрлари)нинг хавфсизлик кўрсаткичлари ушбу Регламент билан белгиланган талабларга мувофиқ келиши, яъни маҳсулот номи, тури (вазифаси)нинг айнан ўхшаш эканлигини аниқлаш тушунилади.

47. Маҳсулотлар номи, тури (вазифаси), сифатлари бўйича ва уларнинг хавфсизлик кўрсаткичлари ушбу Регламент билан белгиланган талабларга мувофиқлигини идентификациялаш қуйидагилар томонидан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уни муомалага киритаётган тайёрловчи (сотувчи);

маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш мақсадида сертификациялаш бўйича ташкилот;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлган маҳсулотнинг ушбу Регламент талабларига мос келишини текширишга ваколатли давлат назорат органи.

48. Ёзув учун матбаа маҳсулотлари ва таълим муассасалари учун ўқув нашрларини идентификациялаш органолептик ва қурилмали усуллардан фойдаланиб амалга оширилади:

органолептик усулда идентификациялаш маҳсулот номи ва тури (вазифаси)га кўра, шунингдек, ушбу Регламентга мувофиқ, аниқланаётган маҳсулот турига хос бўлган ўхшашлик ва белгиларга қараб ўтказилади;

QMMB: 09/22/726/1132-son
29.12.2022-y.



идентификациялашнинг қурилмали усулида синовлар ушбу Регламент талабларига мувофиқ ўтказилади.

Таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотларини қабул қилиб олишда намуналарни танлаб олиш меъёрлари ушбу Регламентга 16-иловада келтирилган.

## 6-боб. Ўтиш даври

49. Ушбу Регламент қабул қилинган пайтдан бошлаб унинг 1-бандида кўрсатилган умумтаълим муассасалари учун матбаа маҳсулотларининг турларига талабларни белгиловчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар улар мазкур Регламентга мувофиқлаштирилгунига қадар ушбу Регламентга зид бўлмаган қисмлари қўлланилади.

50. Ушбу Регламент амалга киритилгунга қадар қонунчиликка кўра мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши керак бўлган таълим муассасалари матбаа маҳсулотларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси миллий сертификатлаш тизимида белгиланган қоидалар қўлланилади.

51. Ушбу Регламент кучга киритилгунга қадар таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотларига олинган санитария-эпидемиологик хулосалар ва мувофиқлик сертификатлари ушбу сертификатларда белгиланган муддат давомида амал қилади.

## 7-боб. Давлат назоратидан ўтказиш тартиби

52. Мазкур Регламент талабларига риоя этилиши бўйича давлат назорати Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ва уларнинг ҳудудий ташкилотлари, шунингдек, бошқа махсус ваколатли давлат органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширади.

## 8-боб. Чиқиндиларни утилизация қилиш

53. Ишлаб чиқариш чиқиндилари, макулатураларни йиғиш ва тўплаш, уларни ҳисобга олиш ва хатловдан ўтказиш ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, барча ташкилотларда амалга оширилиши керак.

## 9-боб. Якунловчи қоидалар

54. Ушбу Регламентни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

55. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

QMMB: 09/22/726/1132-son
29.12.2022-y.

Умумий техник регламентга
1-илова

# Матбаа маҳсулотларининг кимёвий хавфсизлигига қўйиладиган ТАЛАБЛАР

| Зарарли модданинг номи | Сувли муҳитда | Ҳаво муҳитида |
|---|---|---|
| | Меъёр, кўпи билан | Меъёр, кўпи билан |
| Фенол | 0,05 mg/dm³ | 0,003 mg/m³ |
| Формальдегид | 0,1 mg/ dm³ | 0,003 mg/m³ |
| Қўрғошин | 0,03 mg/dm³ | аниқланмайди |
| Рух | 1,0 mg/dm³ | аниқланмайди |
| Маргимуш | 0,05 mg/dm³ | аниқланмайди |
| Хром (III, IV) | жами 0,1 mg/dm³ | аниқланмайди |

Умумий техник регламентга
2-илова

## Ёзув учун матбаа маҳсулотларининг ПАРАМЕТРЛАРИ

| Номланиши | | Қоғознинг оқлиги, % | Бичими* (эни ва баландлиги) | Қоғознинг зичлиги g/m² | Варақлардаги ҳажми | Ношаффофлик, % | Муқова қоғози ва бириктириш усули |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Мактаб дафтарлари | 1-синф учун 3 – 4, 6-турларга | камида 86 | 170x205 ±2 mm | камида 80,0±3,0 | 12 | камида 86 | муқова учун 80 g/m² қоғоз; иккита сим алқа билан бириктирилади |
| | 2-синф ва ундан юқори синфлар ҳамда ЎМПТлар учун 1 – 2, 5-турларга | камида 84 | | камида 70,0±3,0 | 12, 18, 24 | камида 84 | муқова қоғози ва 70,0 g/m² дан кам бўлмаган қоғоз иккита сим ҳалқа билан бириктирилади |
| Мактаб рейтинг кундаликлари | | камида 84 | 168x198, 170x205, 145x210, 160x198 mm | камида 60,0±3,0 | 40 ва 48 | камида 84 | 190 g/m² дан кам бўлмаган юмшоқ муқова учун иккита сим ҳалқа билан, қаттиқ муқова учун ип (ёки сим) билан тикилиб елимланади. |
| Расм дафтарлар ва альбомлар | | камида 93 | 203x288 210x297, 200x290 | 100 ±5,0 дан 160 ±7,0 гача, графитли қалам билан чизиш учун камида 60,0±3,0 | 8, 12, 16, 24, 36, 40 ва юқори | камида 84 | 120-190 g/m² дан кам бўлмаган иккита сим ҳалқа билан, варақлар сони 36 ва ундан юқори нашрлар учун тикмасдан елимлаб маҳкамланади |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Бўяш учун альбомлар | камида 76 | 210x297, 200x290 | 80 ±3,0 дан 160 ±7,0 гача, графитли қалам билан чизиш учун камида 60,0±3,0**** | 12 ва юқори | – | 80 ±3,0 g/m² дан кам бўлмаган иккита сим ҳалқа билан, варақлар сони 36 ва ундан юқори нашрлар учун тикмасдан елимлаб маҳкамланади |
| Умумий дафтарлар | камида 80 | 168x198, 170x203 148x210, 144x203, 160x198, 210x297, 203x288, 203x275 | камида 60,0±5,0 | 24, 36, 48, 60, 72, 80, 96 ва юқори | камида 84 | 190 g/m² дан кам бўлмаган иккита сим ҳалқа билан, варақлар сони 96 ва ундан юқори нашрлар учун тикмасдан елимлаб маҳкамланади |
| Чизма учун альбом ва папка-чизма қоғозлари | камида 84 | 210x297, 420x297, 420x594, 840x594, 840x1188 | 160 ±7,0 дан 200 ±8,0 гача | 10 ва ундан кўп | камида 84 | 120-190 g/m² дан кам бўлмаган маҳкамлашсиз, папкага жамлаш |
| Рангли қоғозлар тўплами | камида 80 | 275x200, 275x300 | 70,0-80,0 ±3,0 | 12-16 (8 рангдан кам бўлмаслиги керак) | камида 84 | папкага жамлаш; иккита сим ҳалқа билан бириктирилади |

*) Ўлчам бўйича чегаравий фарқланишлар ±3 mm дан кўп бўлмаслиги, қийшиқлик – 2 mm дан кўп бўлмаслиги керак.

**) Ушбу қоғоздан фойдаланишга йўл қўйилади, бу қоғоздан фойдаланилганда бўяш учун мўлжалланган расм варақнинг бир томонида жойлаштирилиши керак.

***) Истеъмолчи билан келишган ҳолда дафтарларни бошқа ҳажм ва ўлчамларда ишлаб чиқаришга рухсат этилади;

****) Графитли қалам билан бўяш учун мўлжалланган расм варақнинг бир томонида жойлашиши керак.

Умумий техник регламентга
3-илова

## Мактаб дафтарларининг чизиқлари ва ҳошиялари ўлчамига қўйиладиган ТАЛАБЛАР

| Кўрсаткичлар номи | Турлар учун меъёр | | | | Чегаравий фарқланиш |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | 2 | 3 | 4 | |
| Саҳифадаги стан (чизиқ)лар ёки қаторлар сони | 23 | 26 | 14 | 14 | – |
| Стан (чизиқ)лар баландлиги, mm | – | – | 5,0 | 5,0 | ±0,1 |
| Стан (чизиқ)лар ёки қаторлар орасидаги масофа, mm | 8,0 | 7,0 | 8,0 | 8,0 | ± 0,1 (умумий ҳолда саҳифада кўпи билан 2,0 mm) |
| Қия чизиқнинг қиялик бурчаги, градус | – | – | – | 75° | ±2° |
| Қия чизиқлар орасидаги масофа (чизиқ бўйича), mm | – | – | – | 27,0 | ±0,2 |
| Тепа ҳошия, mm | 16,0 | 16,0 | 13,0 | 13,0 | ±3,0 |
| Пастки ҳошия, mm | 13,0 | 14,0 | 12,0 | 12,0 | ±6,0 |
| Ён ҳошия, mm | 20,0 | 20,0 | 20,0 | 20,0 | ±3,0 |

QMMB: 09/22/726/1132-son
29.12.2022-y.

Умумий техник регламентга
4-илова

# Таълим муассасалари учун ўқув нашрлари
# ПАРАМЕТРЛАРИ

| Номланиши | | Қоғознинг оқлиги, % | Бичими* | Қоғознинг зичлиги g/m² *** | Ношаффофлик, % | Муқова билан бириктириш ** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ўқув адабиёти | мактабгача | 84 дан кам бўлмаган | – | 70,0 ± 3,0 дан кам бўлмаган (офсет қоғози) | 86 – 91 | 1. Муқова плёнка билан қўшиб бириктирилади[1]. Блокларни муқова билан бириктириш учун дафтарлар капрон (ёки армирланган) ипда камида 5 та чок[2] билан тикилади. 2. Блокни жамлашда корешок ва унинг икки томонидаги биговка учун ажратилган қаттиқ муқова учун 10 mm, юмшоқ муқова учун 5-6 mm гача қисмлари тўлиқ муқовага елимланади. Муқова орқа ва олд томонидан биговка қилинади. 3. Китоб уч томонидан тўғри ва текис қирқилади. 4. Иккита сим ҳалқа билан мустаҳкамланади. |
| | 1-синф | 88 дан кам бўлмаган (офсет қоғози); 86 дан кам бўлмаган (енгил вазнли қоғоз) | 70 x 108$^{1}/_{16}$ 70 x 100$^{1}/_{16}$ 70 x 90$^{1}/_{16}$ 60 x 90$^{1}/_{16}$, 60x84 $^{1}/_{8}$, 62x84 $^{1}/_{8}$ 84x 108$^{1}/_{16}$, 60 x 90$^{1}/_{8}$ | 80,0 ± 3,0 дан кам бўлмаган (офсет қоғози); 60 дан кам бўлмаган енгил вазнли қоғоз*** | 88 дан кам бўлмаган | |
| | 2 – 4-синфлар | 84 дан кам бўлмаган (офсет қоғози); 86 дан кам бўлмаган (енгил вазнли қоғоз) | | 70,0 ± 3,0 дан кам бўлмаган (офсет қоғози); 60 дан кам бўлмаган енгил вазнли қоғоз | 86 – 91 | |
| | 5 – 9-синфлар | 80 дан кам бўлмаган (офсет қоғози); 86 дан кам бўлмаган (енгил вазнли қоғоз) | 84 x 108$^{1}/_{32}$ 70 x 100$^{1}/_{16}$ 70 x 90$^{1}/_{16}$ 60/62x84$^{1}/_{8}$ 60 x 90$^{1}/_{16}$, 60/62x 84$^{1}/_{8}$, 60/62x 84$^{1}/_{8}$, 84x108 $^{1}/_{16}$ | 70,0 ± 3,0 дан кам бўлмаган (офсет қоғози); 60 дан кам бўлмаган енгил вазнли қоғоз | 86 – 91 | |
| | 10 – 11-синфлар ва ЎМПТ | 74 дан кам бўлмаган (офсет қоғози); 86 дан кам бўлмаган (енгил вазнли қоғоз) | 84 x 108$^{1}/_{32}$ 84 x 108$^{1}/_{16}$ 70 x 108$^{1}/_{16}$ 70 x 100$^{1}/_{16}$ 70 x 90$^{1}/_{16}$ 60 x 84$^{1}/_{8}$, 62 x 84$^{1}/_{8}$ 60 x 84$^{1}/_{16}$ 84 x 108$^{1}/_{16}$, 60/62 x 90$^{1}/_{8}$ 60 x 90$^{1}/_{16}$ | 70,0 ± 3,0 дан кам бўлмаган (офсет қоғози); 60 дан кам бўлмаган енгил вазнли қоғоз | 86 дан кам бўлмаган | |
| | 1-синф машқ дафтари | 86 дан кам бўлмаган | 70 x 108$^{1}/_{16}$ 70 x 100$^{1}/_{16}$ 70 x 90$^{1}/_{16}$ | 80,0 ± 3,0 дан кам бўлмаган офсет қоғоз | 88 дан кам бўлмаган | |

QMMB: 09/22/726/1132-son
29.12.2022-y.

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | (офсет қоғози учун) | $60 x 90^{1}/_{16}$, $60x84\ ^{1}/_{8}$, $62x84\ ^{1}/_{8}$ $84x\ 108^{1}/_{16}$, $60 x 90^{1}/_{8}$ | 60 дан кам бўлмаган енгил вазнли қоғоз | | |
| | 2-синф ва ундан юқори синфлар учун машқ дафтари | 86 дан кам бўлмаган (офсет қоғози учун) | Ўқув адабиётига мувофиқ | 70,0 ± 3,0 дан кам бўлмаган офсет қоғоз<br><br>60 дан кам бўлмаган енгил вазнли қоғоз | 86 дан кам бўлмаган | |

*) Бичим (ўлчам) бўйича чегаравий фарқланишлар ±2 mm дан кўп бўлмаслиги керак.

**) Ўқув қўлланмаларининг муқоваси учун 190±5 $g/m^2$ дан кам бўлмаган қоғоздан фойдаланилади.

***) Енгил вазнли қоғознинг ғоваклилик даражаси 1,8 – 2,0 $sm^3/g$.

[1] Машқ дафтарлари муқоваси плёнка билан қопланмайди.

[2] $70 x 108\ ^{1}/_{16}$, $70 x 100\ ^{1}/_{16}$, $70 x 90\ ^{1}/_{16}$, $60 x 90\ ^{1}/_{16}$ ва бошқа кичик форматлар камида 4 та чок билан тикилади.

Умумий техник регламентга
5-илова

## Матбаа маҳсулотларида матн шрифти ўлчамлари

| **Шрифт кегли** | **Бош ҳарф баландлиги (mm)** |
|---|---|
| 5 | 1,3 |
| 6 | 1,55 |
| 7 | 1,85 |
| 8 | 2,10 |
| 9 | 2,35 |
| 10 | 2,64 |
| 11 | 2,9 |
| 12 | 3,10 |
| 14 | 3,65 |
| 16 | 4,15 |
| 18 | 4,75 |
| 20 | 5,0 |

Умумий техник регламентга
6-илова

# Ўқув нашрларининг матнли безатилишига қўйиладиган ТАЛАБЛАР

| Синфлар | Кегль | Интерлиньяжни ошириш, ...пунктдан кам бўлмаган | Қатор узунлиги | | | | Бл/кв сиғими, кўпи билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | минимал | | максимал | | |
| | | | квадрат | mm | квадрат | mm | |
| Биринчи | 18 | 3 | 6 ½ | 117 | 9 ¼ | 167 | 6,0 |
| Иккинчи | 16/14* | 3 | 6 ½ | 117 | 9 ¼ | 167 | 6,0 (6,3)** |
| Учинчи | 14/12* | 3 | 6 | 108 | 8 ½ | 153 | 6,7 (7,2)** |
| Тўртинчи | 14/12* | 2 | 4 ½ | 81 | 7 3/4 | 140 | 7,7 (8,0)** |

*) Ҳажми 200 белгидан кўп бўлмаган қўшимча матн учун рухсат этилади.

**) Қавсларда лотин алифбосида чиқариладиган нашрлар учун шрифт сиғими кўрсатилган.

Катта бичимлардан, яъни 60x90 $^1/_8$, 70x90 $^1/_8$, 60x84 $^1/_8$ форматлардан фойдаланганда, саҳифада қатор узунлиги максимум 185 mm дан ошмаслиги керак.

QMMB: 09/22/726/1132-son
29.12.2022-y.

Умумий техник регламентга
7-илова

## Гуманитар фанлар бўйича ўқув нашрларининг матнли безатилишига қўйиладиган ТАЛАБЛАР

| Функционал вазифаси | Синф | Кегль, ...дан кам бўлмаган | Интерлиньяжни ошириш, ...пунктдан кам бўлмаган | Қатор узунлиги | | | | Бл/кв сиғими, кўпи билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | минимал | | максимал | | |
| | | | | квадрат | mm | квадрат | mm | |
| Дарслик ва ўқув қўлланмалари | 5 – 6 | 13 | 3 | 3 ½ | 63 | 10 ¼ | 185 | 8,0(8,8) |
| | | 12* | 2 | 3 ½ | 63 | 10 ¼ | 185 | 9,2 |
| | | 11** | 2 | 3 | 54 | – | – | – |
| | 7 – 9 | 12 | 2 | 4 | 72 | 10 ¼ | 185 | 9,5(10,0) |
| | | 10** | 2 | 2 ¾ | 50 | – | | – |
| Хрестоматиялар | 5 – 6 | 12 | 3 | 4 ½ | 81 | 10 ¼ | 185 | 8,0(9,2) |
| | 6 | 11 | 3 | 4 ½ | 81 | 10 ¼ | 185 | 9,0(9,5) |
| | 5 – 6 | 10** | 2 | 3 | 54 | – | | – |
| | 7 – 9 | 11 | 2 | 4 ½ | 81 | 10 ¼ | 185 | 9,8(10,0) |
| | | 10 | 2 | 4 ½ | 81 | 10 ¼ | 185 | 10,7 |
| | | 9** | 2 | 2 ¾ | 50 | – | | – |
| Практикумлар | 5 – 6 | 11 | 3 | 3 ½ | 63 | – | | 9,2(9,5) |
| | | 10** | 2 | 3 | 54 | – | | – |
| Практикумлар | 7 – 9 | 11 | 2 | 3 | 54 | – | | 9,8(10,0) |
| | | 10* | 2 | 3 | 54 | – | | 10,5 |
| | | 9** | 2 | 3 | 54 | – | | – |
| Дарслик ва ўқув қўлланмалари | 10-11-синфлар ва ЎМПТ | 12 | 2 | 4 ½ | 81 | 8 | 120 | 10,2 |
| | | 10** | 2 | 3 | 54 | 10 ¼ | 185 | 9,5 |
| Практикумлар | 10-11-синфлар ва ЎМПТ | 11 | 2 | 3 | 54 | 10 ¼ | 185 | 10 ,5 |
| | | 10* | 2 | 4 | 72 | 10 ¼ | 185 | 11,0 |
| | | 9** | 2 | 3 | 54 | 10 ¼ | 185 | – |

**Изоҳ.** *Қавсларда лотин алифбосида чиқариладиган нашрлар учун шрифт сиғими кўрсатилган.*

*) Фақат тилшунослик бўйича нашрларда рухсат этилади.

** Саҳифада 5 – 6-синфлар учун кўпи билан 1000 та белги, 7 – 9-синфлар учун кўпи билан 1500 та белги, ЎМПТ учун кўпи билан 2000 та белги бўлган ҳажмдаги қўшимча матнга рухсат этилади.

QMMB: 09/22/726/1132-son
29.12.2022-y.

Умумий техник регламентга
8-илова

## Формал (математик) фанлар бўйича ўқув нашрларининг матнли безатилишига қўйиладиган ТАЛАБЛАР

| Синфлар | Кегль, ...дан кам бўлмаган | Интерлиньяжни ошириш, ...пунктдан кам бўлмаган | Қаторнинг минимал узунлиги | | Қаторнинг максимал узунлиги |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | квадрат | mm | |
| 1 | 16<br>14* | 2 | 5 | 90 | – |
| 2-3 | 14 | 2 | 5 | 90 | – |
| 4 | 12 | 2 | 5 | 90 | – |
| 5-6 | 13<br>12** | 2 | 2 ¾ | 50 | – |
| | 11*** | 2 | 2 ¾ | 50 | – |
| 7 – 9 | 12<br>11* | 2 | 2 ¾ | 50 | – |
| | 11*** | 2 | 2 ¾ | 50 | – |

*) Кирилл алифбосини қўллаган ҳолда нашр этиладиган 1-синфлар учун нашрларда рухсат этилади.

**) Кирилл алифбосини қўллаган ҳолда нашр этиладиган 6-синфлар учун нашрларда рухсат этилади.

***) Фақат қўшимча матн учун рухсат этилади.

Умумий техник регламентга
9-илова

## 10 – 11-синфлар ҳамда ЎМПТ учун формал (математик) фанлар бўйича ўқув нашрларининг матнли безатилишига қўйиладиган ТАЛАБЛАР

| Функционал вазифаси | Кегль, ...дан кам бўлмаган | Интерлиньяжни ошириш, ...пунктдан кам бўлмаган | Қаторнинг минимал узунлиги | | Қаторнинг максимал узунлиги | Бл/кв сиғими, кўпи билан |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | квадрат | mm | | |
| Дарслик ва ўқув қўлланмалари | 12 | 2 | 3 | 50 | – | 10,2 |
| | 11* | 2 | 2 ¾ | 50 | – | 9,8 |
| Практикумлар | 11 | 2 | 2 ¾ | 50 | – | 10,2 |
| | 10** | – | 2 ¾ | 50 | – | |
| | 9* | 2 | 2 ¾ | 50 | – | |

*) Фақат 1500 та белгидан кўп бўлмаган қўшимча матн учун рухсат этилади.

**) Кирилл алифбосини қўллаган ҳолда чоп этиладиган нашрлар учун.

QMMB: 09/22/726/1132-son
29.12.2022-y.

Умумий техник регламентга
10-илова

## Табиий фанлар бўйича ўқув нашрларининг матнли безатилишига қўйиладиган
## ТАЛАБЛАР

| Синфлар | Кегль, ...дан кам бўлмаган | Иинтерлиньяжни ошириш, ...пунктдан кам бўлмаган | Қаторнинг узунлиги | | | | Бл/кв сиғими, кўпи билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Минимал | | Максимал | | |
| | | | квадрат | mm | квадрат | mm | |
| 5-6 | 13 | 2 | 2 3/4 | 50 | 10 1/4 | 185 | 9,0 (9,8)** |
| | 11* | 2 | 2 3/4 | 50 | – | | – |
| 7 – 9 | 12 | 2 | 2 3/4 | 50 | 10 1/4 | 185 | 9,6 |
| | 10* | 2 | 2 3/4 | 50 | – | | – |

*) Саҳифада 5 – 6-синфлар учун кўпи билан 1000 та белги, 7 – 9-синфлар учун кўпи билан 1500 та белги бўлган ҳажмдаги қўшимча матн, жадваллар, расмларга ёзувлар учун рухсат этилади.

**) Қавсларда лотин алифбосида чоп этиладиган нашрлар учун шрифт сиғими кўрсатилган.

QMMB: 09/22/726/1132-son
29.12.2022-y.

Умумий техник регламентга
11-илова

## 10 – 11-синфлар ҳамда ЎМПТ учун махсус фанлар бўйича ўқув нашрларининг матнли безатилишига қўйиладиган ТАЛАБЛАР

| Ўқув фанлари | Таҳрири | Функционал вазифаси | Кегль, камида | Интерлиньяжни ошириш, ...пунктдан кам бўлмаган | Қаторнинг узунлиги | | | | Бл/кв сиғими, кўпи билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | минимал | | максимал | | |
| | | | | | квад-рат | mm | квад-рат | mm | |
| Гуманитар (педагогика, ҳуқуқшунослик, психология, эстетика, жисмоний тарбия, иқтисод ва ҳ.к.) | ** | Дарслик | 12 | 2 | 4 | 72 | 6 3/4 | 129 | 9,7 |
| | | Ўқув қўлланмаси | 11 | 2 | 4 | 72 | 6 | 108 | 9,5 |
| | | | 10*** | 2 | 3 | 54 | 6 3/4 | 129 | 10,2 |
| | | Практикумлар | 10 | 2 | 3 | 54 | 6 3/4 | 129 | 10,2 |
| | | | 9*** | 2 | 3 | 54 | 6 3/4 | 129 | – |
| | * | Дарслик ва ўқув қўлланмалари | 12 | 2 | 4 | 72 | 6 3/4 | 129 | 10,3 |
| | | | 12 | 2 | 4 | 72 | 6 | 108 | 10,5 |
| | | | 10*** | 2 | 3 | 54 | 6 3/4 | 129 | 10,0 |
| | | Практикумлар | 10 | 2 | 3 | 54 | 6 3/4 | 129 | 10,2 |
| табиий (механика, радиоэлектроника, металлургия, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва ҳ.к.) | ** | Дарслик ва ўқув қўлланмалари | 11 | 2 | 3 | 54 | 6 3/4 | 129 | 9,5 |
| | | | 10*** | 2 | 3 | 54 | 6 3/4 | 129 | – |
| | * | | 12 | 2 | 3 | 54 | 6 3/4 | 129 | 10,5 |
| | | | 10*** | 2 | 3 | 54 | 6 3/4 | 129 | – |
| Формал (математик, информатика мантиқ ва ҳ.к.) | ** | Дарслик Ўқув қўлланмалари | 11 | 2 | 2 3/4 | 50 | – | | – |
| | * | | 12 | 2 | 2 3/4 | 50 | – | | – |
| | * ва ** | практикум | 10 | 2 | 2 3/4 | 50 | – | | – |
| | * | | 9*** | 2 | 2 3/4 | 50 | – | | – |

*) Лотин алифбосини қўллаган ҳолда чоп этиладиган нашр учун.

**) Кирилл алифбосини қўллаган ҳолда чоп этиладиган нашрлар учун.

***) Фақат саҳифада 2000 та белгидан кўп бўлмаган қўшимча матн учун рухсат этилади.

QMMB: 09/22/726/1132-son
29.12.2022-y.

Умумий техник регламентга
12-илова

## Биринчи ёш гуруҳи учун нашрларнинг матнли безатилишига қўйиладиган ТАЛАБЛАР

| Шрифт кегли | Интерлиньяжни ошириш, ...пунктдан кам бўлмаган | Қаторнинг минимал узунлиги (mm) | Бл/кв сиғими, кўпи билан | Шрифт тавсифномаси (ёзилиши) |
|---|---|---|---|---|
| 20 ва юқори | 4 – 6 | 117 | 5,0 | кесма, янги кам контрастли |
| 16 ва 18 | 4 – 6 | 117 | 6,0 (6,3)* | |
| 14 | 4 – 6 | 108 | 6,5 (6,8)* | кесма |
| 12** | 2 | 90 | – | |

*) Қавсларда лотин алифбосида чоп этиладиган нашрлар учун шрифт сиғими кўрсатилган.

**) Саҳифада 200 та ва ундан кам бўлган белгили матн учун.

QMMB: 09/22/726/1132-son
29.12.2022-y.

Умумий техник регламентга
13-илова

## Иккинчи ёш гуруҳи учун нашрларнинг матнли безатилишига қўйиладиган ТАЛАБЛАР

| Тоифа | Шрифт кегли, ...дан кам бўлмаган | Қаторнинг узунлиги минимал | | Бир вақтда ўқиладиган матн ҳажми (белгилар сони) | Шрифт тавсифномаси | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | квадрат | mm | | Бл/кв сиғими, кўпи билан | |
| I | 20 ва юқори | 5 | 90 | 600 дан юқори | 5,2 (5,7) | кесма чизиқлик ва янги кам контрастли |
| | 16,18 | $4\frac{1}{2}$ | 81 | 600 дан юқори | 6,4 (7,0) | |
| | 14 | $4\frac{1}{2}$ | 81 | 600 дан юқори | 7,2 (7,9) | |
| | 12 | $4\frac{1}{2}$ | 81 | 600 гача | 7,7 (8,5) | |
| | 11** | $2\frac{1}{4}$ | 41 | 200 гача | – | |
| | 10* | $2\frac{1}{4}$ | 41 | – | – | |
| II | 14 | $4\frac{1}{2}$ | 81 | 600 дан юқори | – | |
| | 12 | $4\frac{1}{2}$ | 81 | 600 дан юқори | – | |
| | 11 | $2\frac{1}{4}$ | 41 | 600 гача | – | |
| | 12*** | $2\frac{1}{4}$ | 41 | 200 гача | – | |
| | 10 | – | – | 200 гача | – | |

**Изоҳ.** *Қавс ичида лотин алифбосидан фойдаланиб чоп этиладиган нашрлар учун шрифт сиғими кўрсатилган.*

*) Фақат кирилл алифбосини қўллаган ҳолда чоп этиладиган нашрларнинг қўшимча матнлари учун.

**) Фақат лотин алифбосини қўллаган ҳолда чоп этиладиган нашрларнинг қўшимча матнлари учун.

***) Фоннинг оптик зичлиги 0,5 дан кам бўлмаган шрифт ағдармасидан фойдаланишда ва матнни рангли бўёқлар билан босишда.

Умумий техник регламентга
14-илова

## Учинчи ёш гуруҳи учун нашрларнинг матнли безатилишига қўйиладиган ТАЛАБЛАР

| Тоифа | Шрифт кегли | Қаторнинг узунлиги минимал | | Бир вақтда ўқиладиган матн ҳажми (белгилар сони) | Шрифт сиғими тавсифномаси, бл/кв, кўпи билан |
|---|---|---|---|---|---|
| | | квадрат | mm | | |
| I | 13 | 4 | 72 | | — |
| | 11 | 4 | 72 | | 9,5 (10,5) |
| | 10* | $2^1/_4$ | 41 | 1500 гача | – |
| | 11** | $2^1/_4$ | 41 | 1500 гача | 9,5 (10,5) |
| II | 11 | $4^1/_2$ | 81 | 1500 дан юқори | – |
| | 11*** | $4^1/_2$ | 81 | 600 гача | – |
| | 10 (11**) | $2^1/_4$ | 41 | 1000 дан 1500 гача | – |
| | 11** | $2^1/_4$ | 41 | 1000 гача | – |
| | 9(10**) | | – | 600 гача | – |

**Изоҳ.** *Қавс ичида лотин алифбосидан фойдаланиб чоп этиладиган нашрлар учун шрифт сиғими кўрсатилган.*

* Фақат кирилл алифбосини қўллаган ҳолда қўшимча шрифт ва матн ажратишлари учун.

** Фақат лотин алифбосини қўллаган ҳолда қўшимча шрифт ва матн ажратишлари учун.

*** Фоннинг оптик зичлиги 0,5 дан кам бўлмаган шрифт ағдармаси ва матнни рангли бўёқлар билан босиш учун.

QMMB: 09/22/726/1132-son
29.12.2022-y.

Умумий техник регламентга
15-илова

## Тўртинчи ёш гуруҳи учун нашрларнинг матнли безатилишига қўйиладиган
## ТАЛАБЛАР

| Тоифа | Шрифт кегли, ...пунктдан кам бўлмаган | Қаторнинг узунлиги минимал | | Бир вақтда ўқиладиган матн ҳажми (белгилар сони) | Бл/кв сиғими, кўпи билан |
|---|---|---|---|---|---|
| | | квадрат | mm | | |
| I | 12 (13**) | 4 | 72 | 2000 дан юқори | – |
| | 11 (12**) | 4 | 63 | 200 дан юқори | 9,5 (10,5**) |
| | 10 (11) | $2^{1}/_{4}$ | 41 | 200 гача | 10 (10,5**) |
| II | 11 (12) | 4 | 72 | 1500 дан юқори | – |
| | 11 | $2^{1}/_{4}$ | 41 | 1500 гача | – |
| | 9 (10**) | $2^{1}/_{4}$ | 41 | 100 гача | – |
| | 9 (10**) | | | 600 гача | – |

*) Фақат ҳажмли қўшимча матн учун.

**) Қавсларда лотин алифбоси асосидаги шрифтларни қўллаган ҳолда чоп этиладиган матнлар учун параметрлар кўрсатилган.

Умумий техник регламентга
16-илова

## Таълим муассасалари учун матбаа маҳсулотларини қабул қилиб олишда намуналарни танлаб олиш меъёрлари

| Партия ҳажми | Танлов ҳажми | | Нуқсонли маҳсулот бирликлари сони | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Ташқи кўрикдан ўтказиш учун | Синов учун | Қабул қилиш сони | | Яроқсизга чиқариш сони | |
| | | | ташқи кўриниши бўйича | синов натижалари бўйича | ташқи кўриниши бўйича | синов натижалари бўйича |
| 1 -150 | 15 | 3 | 3 | 1 | 3 | 2 |
| 151- 280 | 32 | 5 | 3 | 1 | 6 | 2 |
| 281 - 500 | 50 | 8 | 4 | 1 | 8 | 2 |
| 501 - 1200 | 80 | 10 | 5 | 1 | 9 | 2 |
| 1201 -3200 | 125 | 12 | 6 | 2 | 11 | 3 |
| 3201 – 10000 | 200 | 15 | 7 | 2 | 11 | 3 |
| 10001 –35000 | 315 | 20 | 9 | 3 | 15 | 4 |
| 35001 ва юқори | 500 | 30 | 11 | 4 | 22 | 5 |

Синовларни амалга ошириш учун ташқи кўриниши бўйича назоратдан ўтган маҳсулотлар танланиши керак.

Синовдан ўтмаган намуналарда синов ўтказишга йўл қўйилмайди.

Агар танловдаги нуқсонли маҳсулотлар сони қабул қилиш сонидан кам ёки унга тенг бўлса, матбаа маҳсулотлари партияси ушбу Регламент талабларига мувофиқ деб ҳисобланади.

Агар танловдаги нуқсонли маҳсулотлар сони яроқсизга чиқариш сонидан кўп ёки унга тенг бўлса, матбаа маҳсулотлари партияси ушбу Регламент талабларига номувофиқ деб ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 28 декабрдаги 726-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари**
**РЎЙХАТИ**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Таълим муассасалари учун полиграфия маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисидаги Умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2015 йил 3 июндаги 146-сон қарори.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш киритиш тўғрисида (“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ–429-сон Қонуни)” 2018 йил 28 майдаги 392-сон қарорига иловaнинг 7-банди.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тўғрисидаги ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасида давлат назорати департаменти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 11 мартдаги 114-сон қарорига 3-илованинг 9-банди.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM № 3